

**СТАТИСТИКА СОҲАСИДА
ҚЎЛЛАНИЛАЁТГАН СТАТИСТИК
ТАСНИФЛАГИЧЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ
БЎЙИЧА ҚЎЛЛАНМА**

МУНДАРИЖА

1.	УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	3
2.	АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР, ТЕРМИНЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАЪРИФИ	4
3.	ТАСНИФЛАГИЧЛАР ВА МАЪЛУМОТНОМАЛАР РЎЙХАТИ	6
3.1.	Статистика органлари томонидан ишлаб чиқилган таснифлагич ва маълумотномалар	6
3.2.	Бошқа органлар томонидан ишлаб чиқилган таснифлагич ва маълумотномалар	8
4.	ДАВЛАТ СТАТИСТИКАСИДА ҚЎЛЛАНИЛАЁТГАН ТАСНИФЛАГИЧЛАР ВА МАЪЛУМОТНОМАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ	10
4.1.	Ўзбекистон Республикаси ташкилий-ҳуқуқий шакллар таснифлагичи (ТХШТ)	10
4.2.	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ-2)	11
4.3.	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагичи (МСТ)	13
4.4.	Ўзбекистон Республикаси Маъмурий-ҳудудий тузилмаларни (объектларни) белгилаш тизими (МҲОБТ) идоравий таснифлагичи	15
4.5.	Давлат ва хўжалик бошқаруви идораларини белгилаш тизими (ДБИБТ) идоравий маълумотномаси	17
4.6.	Ўзбекистон Республикаси Мақсадлар бўйича индивидуал истеъмол таснифлагичи (ЎР МИИТ)	18
4.7.	Ўзбекистон Республикаси Асосий фондлар таснифлагичи (ЎР АФТ)	21
4.8.	Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кузатувлари шакллари таснифлагичи (ДСКШТ)	23
4.9.	Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори	26
4.10.	Ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг таълим йўналишлари, мутахассисликлар ва касблар таснифлагичи	27
4.11.	Дунё мамлакатлари таснифлагичи	30
4.12.	Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси	30
4.13.	Халқаро касалликларнинг таснифи, ўнинчи қайта кўриш (ХКТ-10)	31
4.14.	Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори	32
4.15.	Кенг қамровли иқтисодий тоифалар бўйича товарларнинг статистик номенклатураси	35

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Мақсад ва вазифалар. Давлат статистикасида фойдаланилувчи таснифлагичлар тизими статистик стандартлар комплекси бўлиб, куйидагиларга имконият яратади:

- статистик маълумотларни тизимлаштириш, гуруҳлаш ва унификациялаш;
- статистик ахборот тизимлари ва ресурсларининг (регистрлар, маълумотлар базалари ва б.) ахборот мослигини таъминлаш;
- республика бошқарув органларининг ягона ахборот маконини яратишга кўмаклашиш;
- халқаро, давлатлараро ва миллий даражаларда статистик ахборотларнинг қиёсийлигини таъминлаш.

Давлат статистикасида фойдаланилувчи таснифлагичлар тизимини шакллантиришдан мақсад расмий статистик ахборотларни ишлаб чиқариш жараёнларининг (йиғиш, қайта ишлаш ва тарқатиш) ахборот таъминотидир.

Умумдавлат таснифлагичларининг ўзига хос хусусиятлари уларнинг миллий иқтисодий бошқаришнинг барча соҳаларида, шу жумладан ижтимоий-иқтисодий ривожланишни прогнозлаш ва мониторинг қилишда, давлат статистика фаолиятида, солиқни бошқаришда, маҳсулотлар ва хизматларни стандартлаштириш ва сертификатлашда, банк соҳасида ва бошқа соҳаларда қўлланишидир.

Таснифлаш тизими. Давлат статистикасида фойдаланилувчи таснифлагичлар тизими куйидагиларни ўз ичига олади:

- Ўзбекистон Республикаси умумдавлат таснифлагичлари;
- халқаро, давлатлараро таснифлагичлар;
- статистик таснифлагичлар (бошқарув органи таснифлагичлари).

Қонунчилик базаси.

“Давлат статистикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида (2002 йил 12 декабрь 441-П-сон) Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг давлат статистика фаолиятини амалга оширишда таснифлагичлардан фойдаланиш бўйича ваколати белгиланган.

Умумдавлат таснифлагичлари Ўзбекистон Республикаси техник-иқтисодий ва ижтимоий ахборотларни таснифлаш ва кодлашнинг ягона тизими таркибига киритилган.

Умумдавлат таснифлагичларини ишлаб чиқиш ва юритиш бўйича ягона тартиб куйидаги Ўзбекистон Республикаси давлат стандартларида белгиланган:

O'zDSt 6.01.1:2007 “Ўзбекистон Республикаси техник-иқтисодий ва ижтимоий ахборотларни таснифлаш ва кодлашнинг ягона тизими. Асосий қоидалар”;

O'zDSt 6.01.2:2007 “Ўзбекистон Республикаси техник-иқтисодий ва ижтимоий ахборотларни таснифлаш ва кодлашнинг ягона тизими. Таснифлагичларни ишлаб чиқиш ва юритиш тартиби”.

Одатда умумдавлат таснифлагичлари тегишли халқаро, давлатлараро таснифлагичлар билан уйғунлаштириш асосида ишлаб чиқилади.

2. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР, ТЕРМИНЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАЪРИФИ

Таснифлагич – стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжат бўлиб, таснифлаш гуруҳлари ва (ёки) таснифлаш объектлари номи ва кодининг тизимлаштирилган мажмуини билдиради.

Статистик таснифлагич – давлат статистика кузатуви объектнинг маълум белгиси бўйича тизимлаштирилган рўйхати. Статистик таснифлагичлар давлат статистикаси соҳасидаги давлат бошқаруви органи томонидан бевосита давлат статистика кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш, расмий статистик ахборотларни шакллантириш учун ишлаб чиқилади.

Таснифлагичларнинг тоифалари – тасдиқланиш даражаси ва қўлланиш соҳасидан келиб чиққан ҳолда таснифлагични маълум бир гуруҳга тегишлилигини кўрсатувчи белги (халқаро (регионал) таснифлагичлар, давлатлараро таснифлагичлар, умумдавлат таснифлагичлари ва б.)

Халқаро (регионал) таснифлагич – тегишли халқаро (регионал) ташкилот томонидан қабул қилинган ва манфаатдор мамлакатлар фойдаланадиган таснифлагич.

Давлатлараро таснифлагич – Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлараро статистика қўмитаси томонидан қабул қилинган ва МДХнинг манфаатдор давлатлари фойдаланадиган таснифлагич.

Ўзбекистон Республикасининг умумдавлат таснифлагичи – “Ўзстандарт” агентлиги томонидан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикасининг бошқарув органлари ва ташкилотлари томонидан тармоқлараро (идоралараро) ахборот алмашинувида фойдаланиш мажбурий бўлган таснифлагичлар.

Бошқарув органи таснифлагичи – бошқарув органи томонидан тасдиқланган, ушбу бошқарув органи бўйсинувидаги корхона ва ташкилотлар фойдаланиши мажбурий бўлган таснифлагич.

Корхона таснифлагичи – корхона томонидан тасдиқланган ва фақат корхона фойдаланадиган таснифлагич.

Таснифлагичнинг позицияси – таснифлаш гуруҳлари ёки таснифлаш объектнинг номи ва коди.

Таснифлаш – қабул қилинган усулларга мувофиқ объектлар тўпламини ўрнатиш ёки фарқи бўйича кичик тўпламларга бўлиш. Таснифлашнинг асосий усуллари иерархик ва фасет усули.

Таснифлашнинг иерархик усули – бунда маълум бир объектлар тўплами кетма-кет кичик тўпламларга бўлинади (масалан, синфлар, кичик синфлар, гуруҳлар), яъни бирор бир танланган белгисига мувофиқ тўплам олдин йирик гуруҳларга бўлинади, кейин бу йирик гуруҳлардан ҳар бири бошқа белгига мувофиқ бир неча гуруҳларга бўлинади.

Таснифлашнинг фасет усули – объектлар тўпламини таснифлашнинг турли белгилари бўйича, кетма-кет мустақил кичик тўплamlарга таснифлаш усули.

Таснифлаш объекти – таснифланаётган тўплamlнинг элементи (бирлик).

Таснифлаш гуруҳлари – қабул қилинган усулларга мувофиқ объектлар тўпламини ўхшашлиги ёки фарқи бўйича кичик тўплamlларга бўлиш натижасида олинган объектларнинг кичик тўплamlларидир.

Таснифлашнинг белгиси – таснифланаётган объектнинг хусусияти ёки тавсифи.

Таснифлаш даражаси – таснифлашнинг иерархик усули қўлланганда, натижаси таснифлаш гуруҳлари ёки таснифлаш объектлари мажмуи бўлган таснифлаш босқичи.

Код (таснифлаш коди) – таснифлаш гуруҳлари ёки таснифлаш объектларини белгилаш учун қабул қилинган белги ёки белгилар мажмуи.

Кодлаш – таснифлаш гуруҳлари ёки таснифлаш объектларига код бириктириш.

Код узунлиги – коддаги бўш жойлар ва айирувчи белгиларни ҳисобга олмаган ҳолдаги белгилар сони.

Коднинг разряди – коддаги белгининг позицияси.

Коднинг тузилмаси – коддаги белгиларнинг таркиби ва жойлашиш кетма-кетлигининг шартли белгиси.

Кодлашнинг тартибли усули – кодлари сонларнинг натурал қаторидан ташкил топувчи кодлаш усули.

Кодлашнинг кетма-кет усули – таснифлашнинг ҳар бир босқичида коднинг белгиси олдинги босқичлардаги бўлинишлар натижасига боғлиқ бўлган кодлаш усули.

Кодлашнинг серияли-тартибли усули – кодлари сонларнинг натурал қаторидан ташкил топувчи ва бир хил белгили таснифлаш объектларига сонларнинг алоҳида сериялари ёки диапазонлари бириктирилувчи кодлаш усули.

3. ТАСНИФЛАГИЧЛАР ВА МАЪЛУМОТНОМАЛАР РЎЙХАТИ

3.1. Статистика органлари томонидан ишлаб чиқилган таснифлагичлар ва маълумотномалар

Т/р	Таснифлагич, маълумотноманинг номи	Халқаро, давлатлараро аналоглари	Тасдиқлаш тўғрисидаги ҳужжат	Жорий этиш санаси
1.	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи, 2-таҳрир (ИФУТ-2) О'zDT 005-2011	Европа иқтисодий ҳамжамияти фаолият турлари статистик классификацияси (КДЕС ред.2) NACE Rev.2 "Statistical classification of economic activities in the European Community"	"Ўзстандарт" агентлигининг 28.01.2011 й. 05-268-сон қарори	01.02.2011
2.	Ўзбекистон Республикаси ташкилий-ҳуқуқий шакллар таснифлагичи (ТХШТ) О'zDSt 2847:2014		"Ўзстандарт" агентлигининг 03.09.2014 й. 05-568-сон қарори	01.10.2014
3.	Ўзбекистон Республикаси маъмурий-худудий тузилмаларини (объектларини) белгилаш тизими идоравий таснифлагичи (МХОБТ)		Давлат статистика қўмитасининг 28.02.2014й. 21-сон буйруғи	1.03.2014
4.	Давлат ва хўжалик бошқаруви идораларини белгилаш тизими (ДБИБТ) идоравий маълумотномаси		Давлат статистика қўмитасининг 14.02.2014й. 11-сон буйруғи	1.03.2014
5.	Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагичи (МСТ) О'zDSt 2914:2014	Европа иқтисодий ҳамжамияти фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг статистик классификацияси КПЕС 2008 (Statistical classification of products by activity in the European Economic Community - СРА2008) ва МДХ статистика қўмитаси томонидан тавсия	"Ўзстандарт" агентлигининг 19.01.2015 й. 05-612-сон қарори	23.01.2015

Т/р	Таснифлагич, маълумотноманинг номи	Халқаро, давлатлараро аналоглари	Тасдиқлаш тўғрисидаги ҳужжат	Жорий этиш санаси
		қилинган намунавий маҳсулотларнинг (товарлар ва хизматларнинг) статистик классификатори – СКП-2.		
б.	Ўзбекистон Республикаси Асосий фондлар таснифлагичи (ЎР АФТ)	МДХнинг намунавий асосий фондлар статистик таснифлагичи (уни ишлаб чиқишда МХТ-2008 дан ташқари Евростатнинг классификацияларидан фойдаланилган: “Иншоотлар турлари классификацияси” (СС/КС 1998), “Иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг статистик классификацияси” (СРА/КПЕС 2008)) ва унга асосланган “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагичи” (О’zDSt 2914 : 2014), Асосий фондларнинг умумроссия классификатори (ОК 013-2014 (СНС 2008)) ва Қозоғистон Республикаси Асосий фондлар таснифлагичи (ГК 026 – 2017).	Давлат статистика қўмитасининг 29.11.2018й. 110-сон буйруғи	1.01.2019

T/p	Таснифлагич, маълумотноманинг номи	Халқаро, давлатлараро аналоглари	Тасдиқлаш тўғрисидаги хужжат	Жорий этиш санаси
7.	Ўзбекистон Республикаси Мақсадлар бўйича индивидуал истеъмол таснифлагичи (ЎР МИИТ) 2018	БМТнинг халқаро станданти-Мақсадлар бўйича индивидуал истеъмол таснифлагичи 2018 (Classification of Individual Consumption According to Purpose (COICOP) 2018)	Давлат статистика қўмитасининг 24.12.2019й. 131-сон буйруғи	1.01.2020 (босқичма- босқич)
8.	Кенг қамровли иқтисодий тоифалар бўйича товарларнинг статистик номенклатураси	БМТ Статистика бўлими томонидан тайёрланган халқаро Кенг қамровли иқтисодий тоифалар бўйича таснифлагич	Давлат статистика қўмитасининг 31.03.2020й. 7-сон қарори	31.03.2020
9.	Ўзбекистон Республикаси давлат статистика кузатувлари шакллари таснифлагичи (ДСКШТ)		Давлат статистика қўмитасининг 23.04.2020й. 28-сон буйруғи	1.01.2021

3.2. Бошқа органлар томонидан ишлаб чиқилган таснифлагичлар ва маълумотномалар

T/p	Таснифлагич, маълумотноманинг номи	Халқаро, давлатлараро аналоглари	Тасдиқлаш тўғрисидаги хужжат	Жорий этиш санаси
1.	Халқаро касалликларнинг таснифи, ўнинчи қайта кўриш (ХКТ-10)	Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Халқаро касалликларнинг таснифи, ўнинчи қайта кўриш (ХКТ-10) ICD- 10 (International Classification of Diseases, 10th Rev.)	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 22.01.2003й. 31-сон буйруғи	22.01.2003
2.	Ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг таълим йўналишлари, мутахассисликлар ва касблар таснифлагичи	Таълимнинг халқаро стандарт классификацияси (ТХСК) (ISCED) 1997 принциплари асосида	“Ўзстандарт” агентлигининг 06.07.2011й. 05-313-сон қарори	01.08.2011

Т/р	Таснифлагич, маълумотноманинг номи	Халқаро, давлатлараро аналоглари	Тасдиқлаш тўғрисидаги ҳужжат	Жорий этиш санаси
3.	Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори	Таълимнинг халқаро стандарт классификацияси (ТХСК) (ISCED) 1997 принциплари асосида	“Ўзстандарт” агентлигининг 10.09.2011й. 2877-сон қарори	01.10.2012
4.	Дунё мамлакатлари таснифлагичи		Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 29 февралдаги 01-02/15-07-сон қарори	21.04.2016
5.	Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори	Халқаро меҳнат ташкilotининг Касбларнинг халқаро стандарт классификатори (Касбларнинг халқаро стандарт классификатори-88 ёки ISCO	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 октябрдаги 795-сон қарори	01.11.2017
6.	Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси (ТИФ ТН) 2017 йилги версияси	Товарларни тавсифлаш ва кодлашнинг уйғунлаштирилган тизими 2017	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.12.2017й. ПҚ-3448-сон қарори	01.01.2018

4. ДАВЛАТ СТАТИСТИКАСИДА ҚЎЛЛАНИЛАЁТГАН ТАСНИФЛАГИЧЛАР ВА МАЪЛУМОТНОМАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ

4.1. Ўзбекистон Республикаси ташкилий-ҳуқуқий шакллар таснифлагичи (ТҲШТ)

Ўзбекистон Республикаси ташкилий-ҳуқуқий шакллар таснифлагичи, 1 таҳрир (ТҲШТ - 1 таҳрир) Ўзбекистон Республикаси техник-иқтисодий ва ижтимоий ахборотларни таснифлаш ва кодлашнинг ягона тизимининг таркибий қисми ҳисобланади.

ТҲШТ - 1 таҳрирда таснифлаш объекти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларида белгиланган ташкилий-ҳуқуқий шакллар хизмат қилади.

ТҲШТ - 1 таҳрир ташкилий-ҳуқуқий шаклларни таснифлаш, тартибга солиш, тизимлаштириш ва идентификация қилиш учун мўлжалланган.

ТҲШТ - 1 таҳрирдан қуйидагилар билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда фойдаланилади:

хўжалик юритувчи субъектлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган регистр, реестр ва кадастрларнинг ахборот ресурсларини шакллантириш;

ташкилий-ҳуқуқий шакллар доирасида статистик маълумотларни ишлаб чиқиш;

идоралараро ахборот алмашинувини таъминлаш;

ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларни таҳлил қилиш ва прогнозлаштириш.

Таснифлаш усули – иерархик.

Кодлаш усули – серияли-тартибли.

Код узунлиги – уч хонали ўнлик белги.

Ушбу стандартда тўртта асосий таснифлаш бўлими мавжуд, код алфавити – рақамли, код асоси – ўнлик рақамли белги, код узунлиги – 3 белги.

Таснифлагичнинг тузилиш схемаси намунаси:

110 коди қуйидагини билдиради:

100 – Тижорат ташкилотлари – юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари.

110 – Хусусий корхона.

Бўлимнинг коди (100, 200, 300, 400) таснифлаш объектларига берилмайди ва у коддан фақат маълумотни гуруҳлаш ва умумлаштириш мақсадида фойдаланилади.

Таснифлагич ўз ичига қуйидаги асосий гуруҳларни олади:

100 – Тижорат ташкилотлари – юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари.

200 – Нотижорат ташкилотлари – юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари.

300 – Юридик шахс бўлмаган алоҳида бўлинмаларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари.

400 – Фуқароларнинг тижорат фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари.

ТҲШТ гуруҳларининг намунаси:

Код	Номи
100	Тижорат ташкилотлари – юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари
110	Хусусий корхона
120	Оилавий корхона
130	Фермер хўжалиги

4.2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ-2)

Иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ-2) иқтисодий фаолият бирликлари (алоҳида корхоналар ёки корхоналарнинг гуруҳи) фаолиятини таснифлаш учун мўлжалланган бўлиб, иқтисодий статистика соҳасидаги статистик маълумотларни тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қилади (ишлаб чиқариш, бандлик, миллий ҳисоблар ва б.).

Таснифлаш объектлари – иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи бирликларнинг иқтисодий фаолияти турлари.

Таснифлаш усули – иерархик, бешта даражали таснифлаш (секциялар, бўлимлар, гуруҳлар, синфлар, кичик синфлар).

Кодлаш усули – кетма-кет

Код узунлиги – уч хонали ўнлик белги

Тасниф иккита блокдан ташкил топади: ўхшатиш (идентификациялаш) ва номлаш. Ўхшатиш блоки беш поғонали иерархия тизими ва ҳарфли-рақамли коддан фойдаланадиган кодлашнинг изчил тизимидан иборат. ИФУТ-2 таснифлагичи кодлари халқаро NACE 2 таҳриридаги кодлаш тизимини сақлаб қолиш учун иккинчи ва учинчи рақамлар ўртасида нуқтага, ҳамда миллий эҳтиёжларни ақс эттириш мақсадида тўртинчи ва бешинчи рақамлар ўртасида нуқтага эга, бунда:

биринчи (юқори) даража ҳарфий код билан белгиланган (секциялар);

иккинчи даража икки хонали рақамли код билан белгиланган (бўлимлар);

учинчи даража уч хонали рақамли код билан белгиланган (гуруҳлар);

тўртинчи даража тўрт хонали рақамли код билан белгиланган (синфлар);

бешинчи даража беш хонали рақамли код билан белгиланган (кичик синфлар).

Кодлар таркиби қуйидагича ифодаланиши мумкин:

XX.	-	бўлим
XX.X	-	гуруҳ
XX.XX	-	синф
XX.XX.X	-	кичик синф

Секцияларнинг ҳарфий кодлари бўлим (гуруҳ, синф)нинг рақамли кодларига боғланмаган.

Таснифлашнинг иккинчи даражасида фаолият турлари 01 дан 99 гача (заҳира бўлимларни қўшган ҳолда) бўлимларга гуруҳланган. ИФУТда кўзда тутилган заҳира бўлимлар унга янги фаолият турларини тузилишига методологик ёндашувни ўзгартирмаган ҳолда киритишни таъминлайди.

ИФУТда таснифлашнинг жами объектлари қуйидаги секцияларга бўлинган:

Секция	Номи
A	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
B	Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш
C	Ишлаб чиқарадиган саноат
D	Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
E	Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш
F	Қурилиш
G	Улгуржи ва чакана савдо; моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш
H	Ташиш ва сақлаш
I	Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
J	Ахборот ва алоқа
K	Молиявий ва суғурта фаолияти
L	Кўчмас мулк билан операциялар
M	Профессional, илмий ва техник фаолият
N	Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш
O	Давлат бошқаруви ва мудофаа; мажбурий ижтимоий таъминот
P	Таълим
Q	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш
R	Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш
S	Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш
T	Уй хизматчилари ёлловчи ва ўз истеъмоли учун товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарувчи уй хўжаликлари фаолияти
U	Экстерриториал ташкилотлар фаолияти

ИФУТни ишлаб чиқишда КДЕС 2-таҳрир – “Европа ҳамжамиятида иқтисодий фаолият турлари статистик классификацияси” (NACE Rev.2 “Statistical classification

of economic activities in the European Community”/Regulation N1893/2006) асос бўлган. ИФУТ тўртта белги даражасида (синфларгача) КДЕС билан уйғунлаштирилган. 5-белги даражасида миллий иқтисодийнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирадиган фаолият турлари киритилган.

ИФУТ гуруҳларининг намунаси:

Бўлим	Гуруҳ	Синф	Кичик синф	Номи
А Секцияси		Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги		
01				Дехқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда хизмат кўрсатиш
	01.1			Мавсумий экинлар етиштириш
		01.11		Донли экинлар (шолидан ташқари), дуккакдилар ва мойли экинлар уруғини етиштириш
			01.11.1	Донли экинлар (шолидан ташқари) етиштириш
			01.11.2	Дуккакли экинлар етиштириш
			01.11.3	Мойли экинлар ва уларнинг уруғини етиштириш
		01.12	01.12.0	Шоли етиштириш

4.3. Иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагичи (МСТ)

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагичи тузилишининг асосий методологик тамойили маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши тамойили ҳисобланади, яъни ҳар бир маҳсулот тури уни ишлаб чиқаришга кўпроқ даражада мос бўлган фаолият турига қараб таснифланади.

Ушбу тамойилдан фойдаланиш ягона таркибий код ёрдамида Иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагичини у билан узвий боғлиқ таснифлагичлар билан уйғунлаштиришга (бирлаштиришга) ёрдам беради. Булар: Иқтисодий фаолият турлари – ИФУТ-2 маҳсулотлар бўйича – ФТБМТ (6 белги даражасида); Иқтисодий фаолият турлари бўйича ИФУТ-2 (4 белги даражасида); Иқтисодий фаолият турлари бўйича Европа таснифлагичи ЕХФТ (NACE) 2 таҳрир (4 белги даражасида); Европа иқтисодий ҳамжамиятида фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг статистик таснифлагичи – КПЕС 2008 (6 белги даражасида).

МСТнинг 7-нчи белгиси маҳсулотларни типига кўра янада батафсил таснифлашга хизмат қилади ва одатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг аниқ турларини андозавий тавсифлашни таъминлашга ва уларнинг жамланма гуруҳларга мослигини белгилашга ёрдам беради.

Таснифлаш объектлари – фаолият ёки жараённинг натижаси ҳисобланувчи маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар).

Таснифлаш усули – иерархик.

Кодлаш усули – кетма-кет.

Код узунлиги – етти хонали ўнлик белги.

Код тузилиши:

XX	– бўлимлар;
XX.X	– гуруҳлар;
XX.XX	– синфлар;
XX.XX.X	– туркумлар;
XX.XX.XX	– кичик туркумлар;
XX.XX.XX.X	– типлар.

Таснифлаш гуруҳлари. Таснифлашнинг биринчи даражасида йиғма гуруҳларга (21 секция) бўлинган, улар латин алфавити ҳарфлари билан белгиланган.

Таснифлашнинг иккинчи даражасида маҳсулот турлари 01 дан 99 гача (заҳира бўлимларни қўшган ҳолда) бўлимларга гуруҳланган.

МСТда таснифлашнинг жами объектлари секцияларга бўлинган:

Секция	Секциялар номи
A	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари
B	Фойдали қазилмалар қазиб олиш (тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш) маҳсулотлари)
C	Ишлаб чиқарувчи саноат маҳсулотлари
D	Электр энергияси, газ, буғ ва кондицияланган ҳаво
E	Сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва қайта фойдаланиш бўйича хизматлар
F	Қурилиш иншоотлари ва ишлари
G	Улгуржи ва чакана савдо бўйича хизматлар; моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш бўйича хизматлар
H	Ташиш ва сақлаш бўйича хизматлар
I	Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
J	Ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлар
K	Молиявий хизматлар ва суғурталаш бўйича хизматлар
L	Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар
M	Профессионал, илмий ва техник хизматлар
N	Маъмурий ва ёрдамчи хизматлар
O	Давлат бошқаруви ва мудофаа соҳасида хизматлар; мажбурий ижтимоий таъминот бўйича хизматлар
P	Таълим соҳасидаги хизматлар
Q	Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар ва ижтимоий хизматлар
R	Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш соҳасидаги хизматлар
S	Бошқа хизматлар
T	Уй хўжаликларининг иш берувчи сифатидаги хизматлари; уй хўжаликлари томонидан ўз истеъмоли учун ишлаб чиқарилган турли товарлар ва хизматлар
U	Экстерриториал ташкилотлар ва органларнинг хизматлари

МСТ гуруҳлари намунаси:

Код	Номланиши
А	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари
01	Қишлоқ хўжалиги, овчилик маҳсулотлари ва шу соҳадаги хизматлар
01.1	Мавсумий экинлар
01.11	Донли (шолидан ташқари), дуккакли ва мойли экинлар
01.11.1	Буғдой
01.11.11	Қаттиқ буғдой (дурум)
01.11.11.1	Қаттиқ буғдой (дурум), уруғлик
01.11.11.9	Бошқа қаттиқ буғдой (дурум), уруғликдан ташқари
01.11.12	Буғдой (қаттиқ буғдойдан ташқари)
01.11.12.1	Буғдой (қаттиқ буғдойдан ташқари), уруғлик
01.11.12.9	Бошқа буғдой (қаттиқ буғдойдан ташқари), уруғликдан бошқа
01.11.2	Маккажўхори
01.11.20	Маккажўхори
01.11.20.1	Маккажўхори, уруғлик
01.11.20.9	Бошқа маккажўхори, уруғликдан ташқари

4.4. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий-ҳудудий тузилмаларни (объектларни) белгилаш тизими (МҲОБТ) идоравий таснифлагичи

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий-ҳудудий тузилмаларини белгилаш тизими таснифлагичи (МҲОБТ) идоравий статистик таснифлагич бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий объектлари тўғрисидаги маълумотларни тизимлаштириш, статистик кузатувларни ўтказишда, жамланма статистик маълумотларни шакллантиришда, Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри (КТЯДР)да юридик шахсларнинг ҳудудий мансублиги тўғрисидаги маълумотларни кодлашда фойдаланиш учун мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида” ва “Географик объектларнинг номлари тўғрисида” қонунларига мувофиқ, МҲОБТга объектларни киритиш (чиқариш) ёки гуруҳлаш учун қуйидагилар меъёрий асос ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси қарорлари;

ҳалқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари қарорлари.

Таркибий жиҳатдан таснифлагич иккита блокдан иборат: идентификациялаш ва номланиш блоклари.

Идентификациялаш блокада кодлаш усули – тақсимланган захирага эга серияли-тартибли, код рақамли бўлиб, коднинг максимал давомийлиги 10 хонали сондан иборат.

Таснифлагич қуйидаги даражалардан иборат (“X” белгилари сони даражаларнинг гуруҳланишини кўрсатади):

I даража – Ўзбекистон Республикаси.

UZ
XX

II даража – Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоят ва Тошкент шаҳри.

UZ	AB
XX	XX

III даража – туманлар, вилоят аҳамиятига эга шаҳарлар, Тошкент шаҳрининг туманлари, Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳри ва туманлари.

UZ	AB	CDE
XX	XX	XXX

IV даража – туман аҳамиятига эга шаҳарлар, тумандаги шаҳарчалар ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари

UZ	AB	CDE	FJH
XX	XX	XXX	XXX

Аҳоли пунктлари ва маҳаллаларни кодлаш МҲОБТга асосланган алоҳида номенклатурага мувофиқ амалга оширилади. Бунда,

V даража – Аҳоли пунктлари

UZ	AB	CDE	FJH	IK
XX	XX	XXX	XXX	XX

VI даража – Маҳаллалар

UZ	AB	CDE	FJH	IK	L
XX	XX	XXX	XXX	XX	Маҳалланинг СТИР коди

МҲОБТ объектларини кодлашда, кодларнинг қуйидаги тuzилмасидан фойдаланилади:

а) **UZ** (коднинг 1-2 белгиси) даражаси – Ўзбекистон Республикасининг коди – “17”;

б) **AB** (коднинг 3-4 белгилари) даражаси – Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоят ва Тошкент шаҳрини белгилаш учун мўлжалланган;

в) **CDE** (коднинг 5-7 белгилари) даражалари – вилоят аҳамиятига эга объектларни белгилаш учун мўлжалланган, бунда **C** даражаси қуйидагига тенг:

- “2” – Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси туманлари учун (бунга Тошкент шаҳрининг туманлари ҳам киради);

- “4” – вилоят аҳамиятига эга шаҳарлар ва Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри учун;

г) **FJH** (коднинг 8-10 белгилари) даражалари – туман ичидаги объектларни белгилаш учун мўлжалланган, бунда **FJ** даражаси қуйидагига тенг:

- “50” – туман аҳамиятига эга шаҳарлар учун;

- “55” – тумандаги шаҳарчалар учун;

- “8x” – қишлоқ фуқаролар йиғинлари учун.

д) **ИК** (коднинг 11-12 белгилари) даражаси – аҳоли пунктларини белгилаш учун мўлжалланган.

е) **L** (коднинг 13 белгисидан бошлаб) даражалари – маҳаллаларни белгилаш учун мўлжалланган, бунда маҳалланинг 9-белгили ИНН рақами ишлатилади.

DE, H ва **ИК** даражалари учун кодлашнинг тартибли усули қўлланади.

МҲОБТ гуруҳлари намунаси:

Коди	Маъмурий-ҳудудий объектнинг номи
17	O'zbekiston Respublikasi
1703	Andijon viloyati
1703200	Andijon viloyatining tumanlari
1703202	Oltinko'l tumani
1703202550	Oltinko'l tumanining shaharchalari
1703202552	Bo'ston
1703202554	Dalvarzin
1703202556	Jalabek
1703202558	Ijtimoiyat
1703202800	Oltinko'l tumanining qishloq fuqarolar yig'inlari
1703202804	Oltinko'l
1703202807	Oxunboboyev nomli

4.5. Давлат ва хўжалик бошқаруви идораларини белгилаш тизими (ДБИБТ) идоравий маълумотномаси

Давлат ва хўжалик бошқаруви идораларини белгилаш тизими (ДБИБТ) идоравий статистик маълумотнома бўлиб, статистик кузатувларни ташкил этишда, йиғма статистик маълумотларни шакллантиришда, Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри (КТЯДР)да юридик шахсларнинг идоравий мансублиги тўғрисидаги маълумотларини кодлашда фойдаланилади.

ДБИБТга объектларни киритиш ёки чиқариш учун қуйидагилар норматив асос ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва қарорлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

Таркибий жиҳатдан таснифлагич иккита блокдан иборат: идентификациялаш ва номланиш блоклари.

Таснифлаш объектлари – Ўзбекистон Республикаси давлат ва хўжалик бошқаруви идоралари.

Таснифлаш усули – фасетли.

Кодлаш усули – тартибли.

Код узунлиги – 5 хонали рақамли белги.

Кодлаш намунаси:

Код	Давлат ва хўжалик бошқарув идораларининг ўзбек тилидаги номи	Давлат ва хўжалик бошқарув идораларининг рус тилидаги номи
01008	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари	Органы самоуправления граждан
01010	Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари	Органы государственной власти на местах
01011	Маҳаллий ҳокимият органлари томонидан таъсис этилган юридик шахслар	Юридические лица, учрежденные органами власти на местах
01014	"Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти	Акционерное общество "Национальные электрические сети Узбекистана"
01024	"Ўзбекнефтгаз" акциядорлик жамияти	Акционерное общество "Узбекнефтегаз"
01074	"Худудий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти	Акционерное общество "Региональные электрические сети"
01094	"Иссиқлик электр станциялари" акциядорлик жамияти	Акционерное общество "Тепловые электрические станции"
01104	"Ўзтрансгаз" акциядорлик жамияти	Акционерное общество "Узтрансгаз"

4.6. Ўзбекистон Республикаси Мақсадлар бўйича индивидуал истеъмол таснифлагичи (ЎР МИИТ) 2018

Ўзбекистон Республикаси Мақсадлар бўйича индивидуал истеъмол таснифлагичи 2018 (кейинги ўринларда ЎР МИИТ 2018) 2019 йил учун иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада статистик таҳлилнинг долзарб масалалари бўйича халқаро ташкилотларнинг тавсияларини ўрганиш асосида такомиллаштирилган методикаларни тасдиқлаш ва жорий этиш бўйича ҳаракатлар режасига мувофиқ тайёрланган.

ЎР МИИТ 2018 БМТнинг Миллий ҳисоблар тизимининг таркибий қисми ҳисобланган халқаро стандарти - Мақсадлар бўйича индивидуал истеъмол классификацияси 2018 (Classification of Individual Consumption According to Purpose (COICOP) 2018) асосида ишлаб чиқилган.

ЎР МИИТ 2018 статистика фаолияти соҳасида фойдаланиш учун мўлжалланган ҳамда истеъмол нархлари индексини ҳисоблаш учун статистик базани яратиш мақсадида, уй хўжаликлари статистикасида ва ялпи ички маҳсулотни (ЯИМ) ва унинг компонентларини халқаро таққослаш дастурларида қўлланилади.

ЎР МИИТ 2018 идоравий статистик таснифлагич бўлиб, қуйидаги масалаларни ҳал қилишда ахборот кўмагини таъминлаш учун мўлжалланган:

- истеъмол товарлари ва хизматларининг нархлари ва тарифлари тўғрисида ахборотни рўйхатга олиш, йиғиш ва қайта ишлаш соҳасида, шунингдек уй хўжаликлари томонидан турли товарлар ва хизматларнинг истеъмол ҳажмини

ҳисобга олиш соҳасида стандартлаштиришни ривожлантириш ва такомиллаштириш;

- автоматлаштирилган тизимлар ва маълумотлар базасида ахборотларни бир хил кодлаш;

- миллий ва халқаро даражаларда статистик маълумотларнинг таққослаш;

- янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда истеъмол нархлари ва тарифлари ҳамда уй хўжаликларининг истеъмоли тўғрисидаги статистик ахборотлар йиғиш йўналишларини актуаллаштириш;

- уй хўжаликларининг товарлар ва хизматларнинг алоҳида гуруҳларига бўлган эҳтиёжини ҳамда истеъмол таркибининг уй хўжаликлари фаровонлиги даражасига боғлиқлигини ўрганишда тизимли ёндашувни таъминлаш;

- статистика соҳасидаги бошқа таҳлилий вазифалар.

ЎР МИИТ 2018 асосан уч қисмга бўлинади:

01-13 бўлимлар – Уй хўжаликларининг индивидуал истеъмолига харажатлар;

14 бўлим – Уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотларининг индивидуал истеъмолига харажатлар;

15 бўлим – Давлат бошқаруви органларининг индивидуал истеъмолига харажатлар.

Шунга мувофиқ, 01-13 бўлимларда кўрсатилган уй хўжаликларининг истеъмолига харажатлар учун таснифлаш объектлари (бирликлари) бўлиб истеъмол товарлари ва хизматларини харид қилиш учун харажатлар хизмат қилади. Бунда, таснифлаш бирликлари у ёки бу мақсадларда қилинган харажатлар эмас, балки аниқ товар ва хизматларга харажатлар эканлигига эътибор қаратиш муҳим. МИИТнинг 01-13 бўлимларида ушбу дастлабки статистик маълумотлар маълум мақсадли вазифага мос келувчи турли товар ва хизматларни гуруҳлаш йўли билан мақсадли таснифлашга айлантирилади.

14 бўлим учун таснифлаш бирликлари уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотларининг мақсадига мувофиқ ҳолда қилинган индивидуал харажатларидир.

15 бўлимда давлат бошқаруви органларининг индивидуал истеъмоли учун мўлжалланган деб ҳисобланувчи ва мақсадлари: соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий ҳимоя, дам олиш ва маданият бўйича таснифланувчи харажатлари белгиланган. Шунга мувофиқ, таснифлаш бирликлари ўзлари бажараётган функцияларига асосан код бириктирилган алоҳида операциялар ҳисобланади.

ЎР МИИТ 2018 таснифлашнинг иерархия усули ва кодлашнинг изчил усулидан фойдаланган ҳолда тузилган ҳамда тоифалари (бўлимлар, гуруҳлар, синфлар, кичик синфлар, турлар) бўйича 5 даражадан иборат. Кодлаш учун 7 хонали рақамли белгидан фойдаланилади ва шу сабабли деталлаштириш даражаси икки хонали коддан етти хонали код даражасига етказилган.

Ушбу таснифлагич 15 бўлим, 63 гуруҳ, 186 синф, 338 кичик синф ва 1002 турдан иборат.

Уй хўжаликлари истеъмолининг ҳамда товарлар ва хизматларнинг истеъмол нархи ва тарифлари даражасини кузатишнинг миллий хусусияти тур даражасида,

яъни коднинг олтинчи ва еттинчи даражасида ҳисобга олинади.

Таснифлашда объектларнинг гуруҳларини идентификациялаш учун кодларнинг умумий таркиби қуйидагича ифодаланиши мумкин:

XX	-	бўлим;
XX.X	-	гуруҳ;
XX.X.X	-	синф;
XX.X.X.X	-	кичик синф;
XX.X.X.X.XX	-	тур.

Ҳар бир тоифа рақамлар ёрдамида кодланган, рақамлар орасидаги нуқта турли даражаларни кўрсатади. Бўлимнинг даражаси икки хонали рақам билан (01дан 15 бўлимгача) белгиланган. Гуруҳ, синф ва кичик синф даражаларининг ҳар бири битта қўшимча рақамдан иборат. Тур даражаси икки хонали сондан иборат. Кетма-кет тартиб рақамидан бўлим ва гуруҳ даражасида 1 дан бошлаб фойдаланилади. Агар таснифлаш тоифаси кейин пастроқ иерархия даражасига бўлинмаса, ноль (0) ишлатилади. Тўққиз (9) рақами синф ёки кичик синф даражасида қолдиқ тоифаларни белгилаш учун ишлатилади (масалан, 04.4.4.9 Турар жойларни сақлаб туриш билан боғлиқ бошқа хизматлар). Тўқсон тўққиз (99) рақами тур даражасида қолдиқ тоифаларни белгилаш учун ишлатилади.

Қуйидаги мисол кодлаштириш тизимини акс эттиради:

Бўлим	03	КИЙИМ ВА ПОЙАФЗАЛ
Гуруҳ	03.1	КИЙИМ
Синф	03.1.1	Кийим тайёрлаш учун материаллар (SD)
Кичик синф	03.1.1.0	Кийим тайёрлаш учун материаллар (SD)
Тур	03.1.1.0.01	Кийим тайёрлаш учун ип газламалар.

Шунингдек, ЎР МИИТ 2018 даги синф ва кичик синфлар “хизматлар” (S), қисқа вақт ишлатиладиган товарлар (ND), чекланган вақт ишлатиладиган товарлар (SD) ва узоқ вақт ишлатиладиган товарлар (D)га бўлинади.

ЎР МИИТ 2018га ўзгартиришлар киритиш тегишли халқаро стандартларга ўзгартириш киритилган ҳолларда, деталлаштирилган кодлар даражасида эса товарлар ва хизматларнинг айрим турларини алоҳида кўрсатиш зарур бўлган ҳолларда, тармоқ бошқармаларининг асосланган ва келишилган таклифлари асосида амалга оширилади.

4.7. Ўзбекистон Республикаси Асосий фондлар таснифлагичи (ЎР АФТ)

Ўзбекистон Республикаси Асосий фондлар таснифлагичи (ЎР АФТ) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа комиссияси, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки гуруҳларининг Миллий ҳисоблар тизими (МХТ 2008)га мувофиқ асосий воситаларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни шакллантиришга ёндашувларни уйғунлаштириш мақсадида ишлаб чиқилди.

ЎР АФТни тузишда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг асосий фондлари модель статистик таснифлагичидан (уни ишлаб чиқишда МХТ 2008 дан ташқари Евростатнинг: “Иншоотлар турлари классификацияси” (СС/КС 1998), “Иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг статистик классификацияси” (СРА/КПЕС 2008) қўлланилган), шунингдек СРА/КПЕС 2008га асосланган “Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагичидан (O’zDSt 2914:2014), Қозоғистон Республикасининг асосий фондлар давлат таснифлагичидан (ГК РК 12-2009), Россия асосий фондлар таснифлагичидан (ОК 013-2014 (СНС 2008)) ва Қирғизистон Республикаси асосий фондлар давлат таснифлагичидан (ГК 026 – 2017) фойдаланилган.

ЎР АФТ идоравий статистик таснифлагич ҳисобланади ва қуйидаги вазифаларни бажаришда ахборот кўмагини таъминлаш учун мўлжалланган:

- халқаро стандарт МХТ 2008га мувофиқ асосий фондларни активлар турлари бўйича таснифлаш;
- асосий фондларнинг таркиби бўйича халқаро таққослашни амалга ошириш;
- асосий фондларнинг ҳажми, таркиби ва ҳолатини баҳолаш, асосий фондларни қайта баҳолаш бўйича ишларни амалга ошириш;
- иқтисодий кўрсаткичларни, жумладан фонд сифими, фондлар билан таъминланганлик, фондларнинг самарадорлигини ҳисоблаш;
- статистика соҳасидаги бошқа таҳлилий вазифалар.

ЎР АФТ иқтисодий фаолиятнинг барча босқичларида: алоҳида хўжалик юритувчи субъектлардан субъектлар гуруҳларигача ёки мамлакатнинг бутун иқтисодиёти асосий фондларининг статистик ҳисобини юритиш мақсадида қўлланиши мумкин.

Мазкур таснифлагичнинг объектлари – асосий фондлар – ишлаб чиқариш жараёнида бир йилдан ортиқ, узлуксиз ёки кўп маротаба фойдаланиладиган ишлаб чиқарилган активлардир.

Асосий фондлар иқтисодий активларнинг бошқа турларидан – моддий айланма воситалар (ишлаб чиқариш жараёнида бир маротаба фойдаланилади), қимматбаҳо буюмлар (ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилмайди, лекин узоқ муддат мобайнида захира сифатида сақланади) ва ишлаб чиқарилмайдиган активлардан (ер, сув ва ишлаб чиқариш жараёни маҳсули бўлмаган бошқа табиий ресурслар) фарқ қилади.

Асосий фондлар объектларининг ажралиб турувчи белгиси уларнинг моддий маънода узоқ фойдаланилиши ва ишлаб чиқаришда узоқ муддат (бир йилдан ортиқ) узлуксиз ёки кўп мартаба фойдаланиш имконияти мавжудлигидир.

Асосий фондлар ўз ичига қуйидагиларни олади:

- биналар, иншоотлар, машина ва ускуналар;

- бошқа маҳсулот, масалан мевалар ёки сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун кўп марта ёки узлуксиз фойдаланиладиган дарахтлар ёки ҳайвонлар каби етиштирилувчи биологик ресурслар;

- интеллектуал мулк маҳсулотлари, жумладан ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган компьютер дастурий таъминоти ёки бадий асарларнинг асл нусхалари ва бошқалар.

Баъзи узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар (масалан, транспорт воситалари, мебель, ошхона ускуналари, компьютерлар, алоқа воситалари) мулк эгаси ва фойдаланиш мақсадидан келиб чиққан ҳолда асосий фондлар сифатида ёки узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол товарлари сифатида таснифланиши мумкин.

Асосий фондларга қуйидагилар кирмайди:

- уй хўжаликлари томонидан ишлаб чиқариш мақсадида эмас, ўз шахсий эҳтиёжи учун ишлатиладиган узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар (масалан, кир ювиш машиналари, совутгичлар, ошхона ускуналари, мебель, транспорт воситалари, компьютерлар, алоқа воситалари ва ҳ.к.);

- корхоналардаги узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар захираси қийматининг асосий қисмини ташкил этмаган дастаки асбоблар (арралар, белкураклар, пичоклар, болталар, болғалар, отвёрткалар ва гайка калитлари), шунингдек машина ва ускуналарнинг эҳтиёт қисмлари;

- моддий маънода узоқ фойдаланилиши мумкин бўлган, лекин фақат бир марта фойдаланилиши сабабли асосий фонд ҳисобланмайдиган айрим товарлар (масалан, кўмир);

- тугалланмаган ишлаб чиқарилган активлар (қурилаётган объектлар ва шахсий фойдаланиш учун етиштирилган биологик ресурслардан ташқари).

ЎР АФТ таснифлашнинг иерархия усули ва кодлаштиришнинг изчил усулидан фойдаланган ҳолда МХТ 2008нинг асосий қоидаларига мувофиқ тузилган.

Таснифлагичдаги объектларнинг таснифлаш гуруҳларини идентификация қилиш учун мўлжалланган тўрт хонали кодларнинг умумий тузилиши қуйидагича:

X	-	бўлим;
XX	-	гуруҳ;
XXX	-	кичик гуруҳ;
XXXX	-	синф.

Миллий ҳисоблар тизими 2008нинг номолиявий активлар классификациясида “AN11” асосий фондларга тегишли категорияни билдиради ҳамда бўлим ва гуруҳларга бўлинади.

11 “Турар жой бинолари”, 21 “Нотурар жой бинолари” ва 22 “Бошқа иншоотлар” гуруҳлари Евростатнинг Иншоотлар турлари таснифлагичида (СС/КС 1998) қўлланиладиган гуруҳларга мувофиқ кичик гуруҳ ва синфларга бўлинади.

Шу билан бирга, ЎР АФТнинг кичик гуруҳлари Европа Ҳамжамиятининг “Иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг статистик классификацияси” (СРА/КПЕС 2008), шунингдек унга асосланган “Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагичидан (МСТ) нинг мос гуруҳлари негизида шакллантирилган синфларга бўлинади.

Гуруҳлар намунаси:

ЎР АФТ кодлари				ЎР АФТ гуруҳларининг номи
Бўлим	Гуруҳ	Кичик гуруҳ	Синф	
Активларнинг турлари бўйича асосий фондлар				
1				Турар жой бинолари
	11			Турар жой бинолари
		111		Бир хонадонли уйлар
			1110	Бир хонадонли уйлар
		112		Икки ва ундан кўп хонадонли уйлар
			1121	Икки хонадонли уйлар
			1122	Уч ва ундан кўп хонадонли уйлар
		113		Ётоқхоналар бинолари
			1130	Ётоқхоналар бинолари
2				Бошқа бинолар ва иншоотлар
	21			Нотурар жой бинолари

4.8. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кузатувлари шакллари таснифлагичи (кейинги ўринларда - ДСКШТ)

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кузатувлари шакллари таснифлагичи (кейинги ўринларда – ДСКШТ) Ўзбекистон Республикасининг давлат статистикаси соҳасида фойдаланишга мўлжалланган. ДСКШТ идоровий таснифлагич ҳисобланиб, қоғоз ва электрон кўринишдаги статистик шаклларни ҳисобини юритиш ва тизимлаштириш имконини беради ҳамда статистик шаклларни идентификация қилиш ва рўйхатга олиш учун мўлжалланган.

ДСКШТни жорий этилиши давлат статистика кузатувларини ҳисобга олишда, ташкил этишда ва мувофиқлаштиришда замонавий усулларини қўллаш учун қулай шароит яратади.

Давлат статистика кузатувларини ўтказиш учун белгиланган статистик шакллар таснифлагичнинг объекти ҳисобланади.

Таснифлагич жадвали уч бўлимдан иборат:

- идентификация;
- индекс;
- таснифлагич предмети номи.

“Идентификация” бўлими код тузилиши ҳақидаги ёзувларни ўзида акс эттиради.

“Индекс” бўлими аниқ бир статистик шаклнинг қисқа номининг ёзувини ўзида акс эттиради.

“Таснифлагич предмети номи” бўлими аниқ бир статистик шаклнинг тўлиқ номининг ёзувини ўзида акс эттиради.

Таснифлагични юритиш, зарурат туғилганда унга киритилган маълумотларнинг аниқлиги ва тўғрилигини таъминлаш учун белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритилишини таъминлайди.

Идоравий статистик таснифлагич Давлат статистика қўмитаси буйруғи билан бекор қилинади.

Идентификация коди белгиларини кодлаш:

Белги номи	Белги мазмуни	Код
1. Давлат статистика қўмитаси номенклатурасига мувофиқ масъул тармоқ бошқармаси коди	Нархлар статистикаси (тартиб рақамлари учун интервал 001-050)	05
	Ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси (интервал 051-100)	07
	Инвестициялар ва қурилиш статистикаси (интервал 101-150)	08
	Ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси (интервал 151-200)	09
	Саноат статистикаси (интервал 201-250)	10
	Қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси (интервал 251-300)	11
	Демография ва меҳнат статистикаси (интервал 301-350)	12
	Аҳоли турмуш даражаси ва кузатувлари статистикаси (интервал 351-400)	13
	Хизматлар соҳаси статистикаси (интервал 401-450)	14
	Ижтимоий соҳа ва барқарор ривожланиш статистикаси (интервал 451-500)	15
2. Статистик шакл тури	Ҳисобот	1
	Сўровнома	2
	Бланк	3
	Саволнома	4
	Кундалик	5
	Шартнома	6
	Назорат карточкаси	7
3. Илованинг тартиб рақами (агар мавжуд бўлса)	01 дан 99 гача	
4. Даврийлиги	Ойлик	12
	Чораклик	04
	Йиллик	01
	Бир марталик	13
	Ҳафталик	14
	Йилда бир марта	15
	Йилда икки марта	16
	Йилда уч марта	17
	Йилда тўрт марта	18
Икки йилда бир марта	19	
5. Тартиб рақами	001 дан 999 гача	

Код тузилиши НАМУНАСИ

XX	X	XX	XX	XXX
				Тартиб рақами
			Даврийлиги	
		Илованинг тартиб рақами		
	Статистик шакл тури			
Масъул тармоқ бошқарма коди				

Код намунаси: “Уй хўжаликлари кузатуви саволномаси” код 13.4.00.12.351

13	4	00	12	351
				Тартиб рақами
			Ойлик	
		-		
	Саволнома			
Аҳоли турмуш даражаси ва кузатувлари статистикаси				

Давлат статистика кузатуви шакллари таснифлагичи кўриниши

Т/р	Идентификация	Индекс	Таснифлагич предмети номи
1.	05.1.00.12.001	1-narx	Ишлаб чиқарувчиларнинг саноат товарлари нархлари тўғрисида ҳисоботи
2.	05.1.00.12.002	2-narx	Саноат корхонасининг харид қилинган моддий ресурслари ўртача нархлари тўғрисида ҳисоботи
3.	05.1.00.12.003	3-narx	Транспортда юк ташиш (узатиш) тарифлари тўғрисида ҳисобот
4.	05.1.00.12.004	4-narx	Алоқа хизмати тарифлари тўғрисида ҳисобот
5.	05.1.00.12.005	5-narx	Харид қилинган асосий қурилиш материаллари, қисмлар ва конструкциялар нархлари тўғрисида ҳисобот

4.9. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори


Таснифлаш объекти: давлат, жамият ва шахснинг амалдаги ва истиқболдаги эҳтиёжларига, шунингдек, янги талаб қилинаётган йўналишлар, биринчи навбатда, юқори ва инновацион технологиялар соҳаси бўйича меҳнат бозори конъюктураси ҳамда профессионал кадрлар тайёрлашнинг жаҳон тенденцияларига мувофиқ олий таълимнинг Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган йўналишлари ва мутахассисликлари.

Қуйидаги вазифаларини ҳал қилишда фойдаланишга мўлжалланган:

- ўқишга қабул қилиш ва мутахассислар тайёрлашни бошқариш;
- мутахассислар тайёрлаш ва уларни ишга бандлигининг статистик ҳисоботи;
- Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар таълим статистикасини таққослаш;

- Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг халқаро таълим тузилмасига уйғунлашуви.

Классификаторда таълим босқичлари, билим ва таълим соҳалари, таълим йўналишлари ва мутахассисликлари еттита рақамли код билан белгиланади.



Таълимнинг халқаро стандарт классификациясига биноан таълим босқичлари бакалаврият йўналишларида 5 рақами, магистратура мутахассисликларида - 5А (рақам ва ҳарф) билан белгиланган. Масалан: бакалаврлар коди 5140100, 5211300, 5520400 ва ҳақозо; магистрлар 5А140101, 5А211301, 5А520403 ва ҳақозо.

Гуруҳлаш намунаси:

Билим ва таълим соҳалари, таълим йўналишлари ва мутахассисликлари номи	Код	
	бакалаврият таълим йўналишлари	магистратура мутахассисликлари
	5-босқич	5А-босқич
ГУМАНИТАР СОҲА Педагогика	100 000 110 000	
Таълим йўналиши: Математика ўқитиш методикаси	5110100	
Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (математика)		5A110101
Таълим йўналиши: Физика ва астрономия ўқитиш методикаси	5110200	
Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (физика ва астрономия)		5A110201
Таълим йўналиши: Кимё ўқитиш методикаси	5110300	
Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (кимё)		5A110301


4.10. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг таълим йўналишлари, мутахассисликлар ва касблар таснифлагичи

Таснифлаш объекти: ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими учун қабул қилинган таълим йўналишлари, мутахассисликлар ва касблар.

Қуйидаги вазифаларни ҳал қилишда фойдаланишга мўлжалланган:

- ўқишга қабул қилиш ва мутахассислар тайёрлашни тартибга солиш;
- мутахассислар тайёрлаш ва уларни ишга жойлаштиришнинг статистик ҳисоботи;
- Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар таълим статистикасини таққослаш;
- Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг халқаро таълим тизимига уйғунлаштириш.

Таснифлагичда таълим босқичлари, билим ва таълим соҳалари, тайёрлов йўналишлари мутахассисликлари ва касблар еттита рақамли код билан белгиланади.



Таълимнинг Халқаро Стандарт Классификациясига биноан таълим босқичлари – ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари ва мутахассисликлари 3 рақами билан белгиланган. Масалан: 3140100, 3140101 ва бошқалар.

Таълим йўналишлари номи	Таълим йўналишлари коди (бакалавриат таълим йўналишлари коди)	Мутахассисликлар номи	Мутахассисликлар коди	Касблар
ТАЪЛИМ - 100 000 Педагогика фани ва ўқитувчилар тайёрлаш - 140 000				
Муסיқа таълими	3141000 (5141000)	Муסיқа таълими	3141001	Мактабгача таълим муассасаларида муסיқа раҳбари Бошланғич синфларда муסיқа ўқитувчиси Мактабдан ташқари муассасаларида муסיқа тўғараги раҳбари
Бошланғич таълим	3141600 (5141600)	Бошланғич таълим	3141601	Куни узайтирилган гуруҳларда тарбиячи Бошланғич синфларда тасвирий санъат ва меҳнат ўқитувчиси Тарбиявий ишлар катта етакчиси
		Мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар	3141602	Тўғарак ишлари раҳбари (фаолият турлари бўйича): информатика ва коммуникация техникаси; тўқувчилик, тикувчилик, каштачилик ва пазандачилик ишлари; тасвирий санъат ва бошқалар

Таълим йўналишлари номи	Таълим йўналишлари коди (бакалавриат таълим йўналишлари коди)	Мутахассисликлар номи	Мутахассисликлар коди	Касблар
Мактабгача таълим	3141700 (5141700)	Мактабгача ва оилавий таълим	3141701	Мактабгача таълим муассасаларида тарбиячи Мактабгача таълим муассасаларида болаларга чет тилини ўргатиш ва компьютер саводхонлиги бўйича тарбиячи Тарбиячи - гувернёр
Дефектология	3141800 (5141700)	Логопедия	3141801	Логопед Тарбиячи-логопед Логопедик йўналишдаги таълим муассасасида тарбиячи
Жисмоний тарбия ва болалар спорти	3141900 (5141900)	Жисмоний тарбия ва болалар спорти	3141901	Мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия раҳбари Бошланғич синфларда жисмоний тарбия мураббий-ўқитувчиси Болалар спорти тренери

4.11. Дунё мамлакатлари таснифлагичи

Таснифлаш объектлари – мустақил давлатлар ёки сиёсий, иқтисодий, географик ёки тарихий аҳамиятга эга ҳамда ташқи савдо операциялари, транспортда юк ташиш нуктаи назаридан эътиборга лойиқ бошқа ҳудудлар.

Таснифлагич қуйидаги блоклардан ташкил топган:

- мамлакатларнинг номи (қисқа ва тўлиқ);
- ҳарфий код;
- рақамли код.

Таснифлаш усули – рақамли идентификация блоки бўйича тартибли.

Код узунлиги – рақамли идентификация блоки бўйича уч хонали ўнли белги; ҳарфий идентификация блоки бўйича лотин алифбоси ҳарфларидан иборат икки хонали код.

Таснифлагични ишлаб чиқишда халқаро стандарт ИСО 3166-1:2006 асос бўлган.

Гуруҳлар намунаси:

Т/р	Мамлакатнинг қисқа номи	Мамлакатнинг тўлиқ номи	Ҳарфли коди	Рақамли коди
1.	АВСТРАЛИЯ	Австралия	AU	036
2.	АВСТРИЯ	Австрия Республикаси	AT	040
3.	ОЗАРБАЙЖОН	Озарбайжон Республикаси	AZ	031
4.	АЛАНД ОРОЛЛАРИ	Аланд ороллари	AX	248
5.	АЛБАНИЯ	Албания Республикаси	AL	008
6.	ЖАЗОИР	Жазоир халқ демократик Республикаси	DZ	012
7.	АМЕРИКА САМОАСИ	Америка (шарқий) самоаси (АҚШ)	AS	016
8.	АНГИЛЬЯ	Ангилья	AI	660
9.	АНГОЛА	Ангола Республикаси	AO	024
10.	АНДОРРА	Андорра Князлиги	AD	020
...				
244.	ЎЗБЕКИСТОН	Ўзбекистон Республикаси	UZ	860

4.12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси

Номенклатура экспорт–импорт операцияларини божхона-тариф жиҳатдан бошқаришни янада такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасини жаҳон амалиётида қўлланилаётган Товарларни тавсифлаш ва кодлашнинг уйғунлаштирилган тизими билан янада унификациялаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Таснифлаш объекти – мамлакат чегарасини кесиб ўтувчи товарлар.

Таснифлаш усули – иерархик

Кодлаш усули – кетма-кет

Код узунлиги – ўн хонали ўнлик белги.

Номенклатура 21 бўлимдан ва 97 гуруҳдан иборат.

Гуруҳлар намунаси:

ТИФ ТН коди	Позиция номи	Қўшимча ўлчов бирлиги
0101	Тирик отлар, эшаклар, хачирлар:	
	- отлар:	
0101 21 000 0	- - зотли наслдор хайвонлар	дона
0101 29	- - бошқалар:	
0101 29 100 0	- - - сўйишга мўлжалланган	дона
0101 29 900 0	- - - бошқалар	дона
0101 30 000 0	- эшаклар	дона
0101 90 000 0	- бошқалар	дона
0102	Тирик йирик қорамол:	
	- уйда боқиладиган йирик қорамол:	
0102 21	- - зотли наслдор хайвонлар:	
0102 21 100 0	- - - ғунажинлар (биринчи болалашдан олдинги урғочи йирик қорамол)	дона
0102 21 300 0	- - - сигирлар	дона
0102 21 900 0	- - - бошқалар	дона

4.13. Халқаро касалликларнинг таснифи, ўнинчи қайта кўриш (ХКТ-10)

Халқаро касалликларнинг таснифи (ХКТ-10) 43-Жаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеяси томонидан қабул қилинган Касалликлар ва соғлиқ билан боғлиқ муаммолар Халқаро статистик таснифи, ўнинчи қайта кўришга асосланган.

ХКТнинг мақсади турли мамлакатлар ҳудудида ва турли вақтда олинган ўлим ва касалланишга оид маълумотларни тизимли рўйхатлаш учун шароитлар яратиш, ҳар хил таҳлил, талқин қилиш ва солиштиришдан иборат. Касалликлар ва соғлиқ билан боғлиқ бошқа муаммоларнинг сўз билан ифодаланган таърифларини таҳлил қилиш учун қулайлик яратилиб, касалликлар ташҳиси ва соғлиқ билан боғлиқ маълумотларни сақлаш, ажратиб олиш ва таҳлил қилишни қулайлаштириш учун уларни ҳарфли-сонли кодларда уйғунлаштириш учун ХКТдан фойдаланилади.

Касалликларнинг статистик таснифи муайян касалликни идентификациялаш ва кенг гуруҳлар бўйича статистик маълумотларни тақдим этиш имконини беради.

Тасниф 21 синфга бўлинган. Коднинг биринчи белгиси ҳарф, бир неча синфда ишлатилувчи D ва H ҳарфларидан ташқари ҳар бир ҳарф алоҳида синфга мос келади.

1-17 синфлар касалликлар ва бошқа патологик ҳолатларга мансуб, 19-синф травмалар ва ташқи факторларнинг айрим бошқа оқибатлари таъсирини ўз ичига

олади. Қолган синфлар диагностик маълумотлаорга тегишли бир қатор замонавий тушунчаларни ўз ичига олади.

Ушбу тасниф қуйидагиларни ўз ичига олади:

- уч хонали рукнларнинг тўлиқ рўйхати;
- тўрт хонали кичик рукнларнинг зарур изоҳлар ва истиснолар билан берилган рўйхати.

ХКТ гуруҳлари намунаси:

Код	Номи
A00	Вабо
A00.0	01 вабо вибриони қўзғатган вабо, биовар cholerae
A00.1	01 вабо вибриони қўзғатган вабо, биовар eltor
A00.9	Аниқланмаган вабо
A01	Тиф (Терлама) ва паратиф
A01.0	Ич терлама
A01.1	Паратиф А
A01.2	Паратиф В
A01.3	Паратиф С
A01.4	Аниқланмаган паратиф
A02	Бошқа сальмонеллез инфекциялар
A02.0	Сальмонеллезли энтерит
A02.1	Сальмонеллезли септицемия
A02.2	Сальмонеллезли локал (маҳаллий) инфекция
A02.8	Аниқланган бошқа сальмонеллез инфекцияси
A02.9	Аниқланмаган сальмонеллез инфекцияси

4.14. Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори

Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг классификатори (кейинги ўринларда – ХАЛИКК-2017) хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларини тизимлаштириш, ишчиларнинг малака разрядлари диапазонини ва хизматчиларнинг лавозимлари тоифаларини белгилаш, шунингдек таълимнинг йўналиши ва даражасига қўйиладиган талабларни аниқлаш учун мўлжалланган.

Ишчилар касблари ва хизматчилар лавозимлари ХАЛИКК-2017нинг таснифлаш объектлари ҳисобланади.

ХАЛИКК-2017 қуйидаги бўлимлардан иборат:

1-бўлим - "Ишчиларнинг асосий касблари таснифи" - Ишлар ва ишчи касблари ягона тариф-малака маълумотномасига мувофиқ ишчилар касбларининг, шунингдек ҳуқуқ ва мажбуриятлари ушбу ХАЛИКК-2017га 1-иловага мувофиқ иқтисодиёт тармоқларида касблар таркибини тартибга солувчи уставлар, махсус иловалар ва тегишли қарорларда назарда тутилган ишчилар касбларининг номларини ўз ичига олади;

2-бўлим - "Хизматчиларнинг асосий лавозимлари таснифи" - иқтисодиётда ва ушбу ХАЛИКК-2017га 2-иловада кўрсатилган ташкилотларнинг ташкилий-таркибий схемаларида қўлланиладиган фаолият номларини ўз ичига олади.

1-бўлим ишчилар касбларининг тартиб рақамларини уларнинг ортиб бориши тартибида, алифбо бўйича ишчилар касблари номларини ва Ўзбекистон Республикаси Машғулотларнинг миллий стандарт классификатори бўйича уларга мувофиқ кодларни (кейинги ўринларда – ММСК), малакавий разрядлари диапазонларини (кейинги ўринларда – МРД), Ўрта махсус, касб-хунар таълими мутахассисликларини тайёрлаш йўналишлари, касблар ва мутахассисликлар классификатори (кейинги ўринларда – ЎМКТМТЙМК) бўйича кодларни ўз ичига олади.

1-бўлимнинг жадвали қуйидаги шаклга эга:

Т/р	Касбнинг номи	ММСК бўйича код	МРД	Таълимнинг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙМК бўйича код

2-бўлим хизматчилар лавозимларининг тартиб рақамларини уларнинг ортиб бориши тартибида, алифбо бўйича хизматчиларнинг лавозимлари номларини ва уларга мувофиқ бўлган ММСК кодларини, ходимларнинг тоифалари кодларини, таълимнинг энг паст даражасини, шунингдек ЎМКТМТЙМК ҳамда Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори (кейинги ўринларда – ОТЙМК) бўйича кодларни ўз ичига олади.

2-бўлимнинг жадвали қуйидаги шаклга эга:

Т/р	Лавозимлар номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Таълимнинг энг паст даражаси	ОТЙМК бўйича код

ММСК касблари ва йўналишлари кодлари Халқаро меҳнат ташкилотининг Машғулотларнинг халқаро стандарт классификатори ISCO-88 га мувофиқдир ва тўртта рақамдан иборат бўлади:

- биринчи рақам ўзида йириклаштирилган гуруҳни ифодалайди;
- иккинчи рақам кичик гуруҳни ифодалайди;
- учинчи рақам таркибли гуруҳни ифодалайди;
- тўртинчи рақам базавий гуруҳни ифодалайди.

Масалан:

Код	2	Асосий гуруҳ: мутахассислар - профессионаллар			
Код	2	1	Кичик гуруҳ: физика, математика ва техника фанлари соҳасида мутахассислар - профессионаллар		
Код	2	1	3	Кичик гуруҳ: компьютерлар бўйича мутахассислар - профессионаллар	
Код	2	1	3	1	Бошланғич: тизимларнинг ишлаб чиқувчилари ва таҳлилчилари

ЎМКТМТЙМК ва ОТЙМК бўйича кодлар Таълимнинг халқаро стандарт классификациясига асосланган ва еттита рақамдан иборат:

- биринчи рақам таълим дастурининг даражаси кодини белгилайди: "3" коди - ўрта махсус касб-ҳунар таълими, "5" ва "5А" кодлари - тегишли равишда "бакалавр" ва "магистр" академик даражалари учун; "2" ва "1" кодлари - тегишли равишда, шу жумладан, ишлаб чиқаришда ("2") ва махсус касбий тайёргарликни талаб этмайдиган ("1") қисқа муддатли касб тайёргарлиги даражаси учун;

- иккинчи рақам - билимлар соҳаси коди;

- учинчи рақам - таълим соҳаси коди;

- тўртинчи ва бешинчи рақамлар - таълим йўналиши коди;

- олтинчи ва еттинчи рақамлар - мутахассисликлар коди (ОТЙМКда кўрсатилмаган мутахассисликлар кодлари "00" рақамлари билан белгиланади).

Масалан:

Код	3	Таълим даражаси - ўрта махсус касб-ҳунар таълими				
Код	3	2	Билим соҳаси - гуманитар фанлар ва санъат			
Код	3	2	1	Таълим соҳаси - санъат		
Код	3	2	1	02	Таълим йўналиши - саноат турлари бўйича санъатшунослик	
Код	3	2	1	02	06	Мутахассислик - музей ходими

Ишчиларнинг асосий касблари таснифи (1-илова)

Т/р	Касбнинг номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Таълимнинг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙ МК бўйича код	ОТЙМК бўйича код
1.	Авербандчи	8264	П	2-5	ЎМКХТ	3320900
2.	Ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича авиация механиги (техниги)	7232	П	2-6	ЎМКХТ	3310400
3.	Аэропортнинг перрон-техника бригадаси авиация механиги	7232	П	2-6	ЎМКХТ	3310400
4.	Планер ва двигателлар бўйича авиация механиги (техниги)	7232	П	2-6	ЎМКХТ	3310400
5.	Приборлар ва электр ускуналар бўйича авиация механиги (техниги)	7232	П	2-6	ЎМКХТ	3310400
6.	Радиоускуналар бўйича авиация механиги (техниги)	7232	П	2-6	ЎМКХТ	3310400

Хизматчиларнинг асосий лавозимлари таснифи (2-илова)

Т/р	Лавозимлар номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Таълимнинг энг паст даражаси	ОТЙМК бўйича код
1.	Ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича авиация механиги (техники)	2145	С	О/М	5310400
2.	Аэропортнинг перрон-техника бригадаси авиация механиги	2145	С	О/М	5310400
2-1.	Ҳаво кемаларининг авиа-приборлари, радио ва электр ускуналари техник хизмат кўрсатиш бўйича авиация техниги	3113	С	ЎМКХТ	3310400
3.	Агент	3429	С	ЎМКХТ	3230400, 3240100
4.	Банк агенти	2441	С	О/М	5230700
.....					
2523.	Статистик	2122	С	О/М	5111000, 5230100, 5230200, 5230900, 5310200, 5311000, 5311500, 5340700, 5410700, 5450100, 5450200, 5450300, 5450400, 5630100, 5640100, 5111000, 5230900, 5A231401, 5231100

4.15. Кенг қамровли иқтисодий тоифалар бўйича товарларнинг статистик номенклатураси

Кенг қамровли иқтисодий тоифалар бўйича товарларнинг статистик номенклатураси (бундан буён матнда – Номенклатура) товарлар халқаро савдосининг кенг иқтисодий синфлар бўйича йиғма маълумотларни шакллантириш учун мўлжалланган. Номенклатурада экспорт ва импорт бўйича жамланган маълумотлар, Миллий ҳисоблар тизимидаги (МХТ) якуний фойдаланиладиган товарлар тоифаларига ўтказилади, яъни тегишли уч тоифадаги товарлар гуруҳи – ишлаб чиқариш учун, оралиқ истеъмол товарлари ва истеъмол товарларга.

Номенклатура БМТ Статистика бўлими томонидан тайёрланган халқаро Кенг қамровли иқтисодий тоифалар бўйича таснифлагич, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси 2017 йил версияси асосида ишлаб чиқилган:

Номенклатура фақат ташқи савдо статистикасида экспорт-импорт учун етказилган хом ашё ва қайта ишланган товарларни аниқлаш учун ишлатилади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари, ишлаб чиқариш учун бирламчи маҳсулотлар, капитал қўйилмалар, узоқ ва қисқа муддатли истеъмол товарлар таснифлаш объекти бўлиб ҳисобланади.

Номенклатура 19 асосий тоифалардан иборат: 111, 112, 121, 122, 21, 22, 31, 32, 322, 41, 42, 51, 521, 522, 53, 61, 62, 63, 7 ҳамда тегишли уч тоифадаги товарлар гуруҳи – ишлаб чиқариш учун, оралиқ истеъмол товарлари ва истеъмол товарлар.

Номенклатуранинг асосий тоифаларининг МХТдаги товарларнинг асосий гуруҳларига (ишлаб чиқариш воситалари, оралиқ истеъмол товарлари ва истеъмол товарлари) мувофиқлиги жадвали:

<i>Номенклатура</i>	<i>МХТдаги товарларнинг асосий гуруҳлари</i>
<i>1) Озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар</i>	
<i>11 Хом ашё</i>	
<i>111 Асосан ишлаб чиқариш учун</i>	<i>Оралиқ истеъмол товарлари</i>
<i>112 Асосан шахсий истеъмол учун</i>	<i>Истеъмол товарлари</i>
<i>12 Қайта ишланган</i>	
<i>121 Асосан ишлаб чиқариш учун</i>	<i>Оралиқ истеъмол товарлари</i>
<i>122 Асосан шахсий истеъмол учун</i>	<i>Истеъмол товарлари</i>